

## ТОЛЕРАНТЛИК МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

**Хосият Нормўминовна Махманова**

Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳарбий авиация билим юрти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Миллатлараро тотувликни таъминланишининг ҳуқуқий асослари мамлакатимизда яратилганлиги ва бу борада амага оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Толерантлик одамларни жипслаштиришини, ўзаро ишончини мустаҳкамлаб маънавий муҳитни яхшилашини ва бу эса жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши хусусида фикр юритилади. Толерантлик инсон ҳуқуқларини юзага чиқаришнинг муҳим шартларидан бири эканлиги асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** миллат, миллатлараро тотувлик, толерантлик, кўпмиллатлилик, бағрикенглик, диний бағрикенлик, ҳамжихатлик, қадрият, жамият, тараққиёт.

### ABSTRACT

This article analyzes the fact that in our country a legal framework has been created to ensure interethnic harmony and the work carried out in this direction. It is believed that tolerance unites people, strengthens mutual trust and improves the spiritual environment, which in turn has a positive effect on the development of society. It is argued that tolerance is one of the most important conditions for the realization of human rights.

**Keywords:** nation, interethnic harmony, tolerance, multinationality, tolerance, religious tolerance, solidarity, value, society, development.

### КИРИШ

Ҳар қандай кўпмиллатли мамлакатда, хусусан Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг интеллектуал, маданий ва иқтисодий салоҳиятларини юрт тараққиётини ривожлантиришга сафарбар этувчи қудрат миллатлараро тотувликнинг таъминланиши билан боғлиқ. Чунки миллатлараро тотувлик «мумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва



барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади». [1] Миллатлараро тотувлик-кўпмиллатлиликнинг ривожланишини таъминловчи муҳим асосдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Юқоридаги адабиётларга мурожаат қилсангиз, миллатлараро тотувлик умумбашарий кадрят бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайдиган диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ҳақида маълумотлар келтирилган Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ва А.Эркаевнинг Маънавиятшунослик асарларида, изланишларида фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган.

## НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга ва халқига йўллаган Мурожаатномасида “...жамиyatда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга чиқамиз”[2] деган ғояни алоҳида таъкидладилар. Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибига кўра аҳолиси кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ҳозир Ўзбекистонда 136 та миллат ва элатларнинг вакиллари яшайди. Айниқса, Конституцияда «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»[3],- деб битилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ифода нафақат турли миллат ва элат вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини қайд этганлиги, балки янги, «ўзбек халқи» тушунчасидан приинципиал фарқ қиладиган «ўзбекистон халқи» тушунчасини қонунийлаштиргани билан аҳамиятлидир. «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг қонунийлаштирилиши миллатлараро тотувлик, миллат ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик Ўзбекистоннинг муҳим атрибути эканлигини ифодалаб берди[4]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдир»[5].

Асосий қонунимизда “толерантлик” (бағрикенглик) алоҳида ажралиб туради. Конституциямизнинг 4-моддада Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва елатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади деб қайд қилинган. Давлатимизнинг ушбу муҳим соҳадаги давлат сиёсати “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегиясининг бешинчи ”Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устивор йўналишида” белгиланган.

Юртбошимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил етилган[6].

Мамлакатимизда толерантликни таъминлаш борасида чуқур ўйланган сиёсат натижасида фуқаролар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланиб, миллатлараро ва конфессиялараро мулоқотнинг механизмлари такомиллаштирилди ҳамда фуқаролар эркинликларини кенгайтиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари мустаҳкамланмоқда. Жумладан, миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш мақсадида Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепсияси тасдиқланди.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг янги модели яратилиб, 2021 йил якуниға кўра дўстлик ҳамжамиятлари сони 38та, миллий марказлар сони эса 150 таға етди.

Хозирда мамлакатимизда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этади, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр етилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирға ўз қадриятлари ҳам бор. Ўзбекистон қаби кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни

таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади [7].

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга ега бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашини англатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига ега. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деган норма киритилган. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда ҳам фуқороларнинг юқорида келтирилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган. Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти томонидан диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатида Ўзбекистон ҳам қайд этилган эди.

Диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларида мутлақо янгича ёндошувлар натижасида нафақат миллий сиёсат, балки мазкур соҳада халқаро майдонда илгари сурилаётган ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб – қувватланди. Жумладан, 2018 йилда Халқаро диний эркинлик бўйича ҳисоботдаги “алоҳида хавотир уйғотувчи” давлатлар рўйхатидан чиқарилган бўлса, мунтазам олиб борилган ижобий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистоннинг 2021 йилдан диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан ҳам чиқарилгани демократик ислоҳатларнинг эътирофи бўлди.

Шунингек, сўнгги йилларда мамлакатда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишдаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Асосий эътибор аҳоли орасида профилактика ва тушунтириш ишларини фаол олиб боришга қаратилиб, саъий ҳаракатлар “жаҳолатга қарши маърифат” деган ғояга асосланмоқда.

Кўпмиллатли мамлакатлар учун ўзга тилларга, урф – одатларга, маданиятга, эътиқодга бағрикенг бўлиш катта аҳамият касб этади. “Толерантлик миллатларнинг миллий маданиятларнинг ўзаро алоқа қилиши, бир – биридан ўрганиб, ўзаро бойишининг биринчи шартидир”[8] дейди файласуф олим Абдурахим Эркаев.

Умумбашарий қадрият ҳисобланган толерантлик ҳозирги замон давлатининг энг муҳим атрибутларидан биридир. Кўпмиллатли жамият шароитида миллатлараро тотувликни ва мамлакат тараққиётини ривожлантирувчи муҳим омил

вазифасини ўтайди. Ўзбекистон шароитида миллатлараро тотувликни таъминлаш учун ўзбек халқининг минг йиллик тарихи давомида шаклланган назарий ва амалий тажрибалар умумбашарий, умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштирилмоқда.

## ХУЛОСА

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

Мамлакатимизда толерантликни таъминлаш учун сиёсий-ҳуқуқий (миллатидан қатъий назар барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамият ва давлат ишларига иштирок этиш эркинлиги ва шу кабилар), иқтисодий (бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт, мулкчилик шакллариининг тенглиги, хусусий мулкка эга бўлиш имкониятлари ва шу кабилар), ижтимоий-маданий (турли тилларда нашр этиладиган оммавий ривожлантириш ва миллий тилда таълим олиш имкониятлари ва шу кабилар) шарт-шароитлар яратилган ва янада мустаҳкамланиши учун шароитлар яратилиши лозимдир.

Толерантлик инсон ҳуқуқларини юзага чиқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Акс ҳолда одамларни жинсига, тилига, миллатига, динига, ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволига қараб бир биридан ажратиш, кимларнидир камситиш, чеклаш, хўрлаш каби иллатлар яшаб қолаверади. Толерантлик миллатлараро тотувликни таъминлашга хизмат қилади, одамларни жипслаштиради, ўзаро ишончини мустаҳкамлаб маънавий муҳитни яхшилайдди. Бу эса жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

## REFERENCES

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Янги аср авлоди. 2001. –Б.166.

The idea of national independence: basic concepts and principles.- Т.: Generation New Age. 2001. –р.166.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 30 декабр, №276 (7778).

Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis and the people of the Republic of Uzbekistan.

Newspaper "People's word". December 30, 2020, No. 276 (7778).

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон.2018. –Б.9.  
The Constitution of the Republic of Uzbekistan.- Т.: Uzbekistan.2018.p.9.
4. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий - техникавий алоқалари. Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2 (Special Issue 1), -Б. 312-318; Jakhongirov Burkhon Boronovich. Scientific and technical relations of Uzbekistan with Japan. Academic Research in Educational Sciences, 2021.2 (special issue 1), pp.312-318.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон.2018.-Б.9.  
The Constitution of the Republic of Uzbekistan.- Т.: Uzbekistan.2018. –p.9.
6. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2 сон, 4 жилд. – Б.16-21  
[Jakhongirov Burkhon Boronovich. Scientific and technical relations of Uzbekistan with European countries. A look into the past. 2021.2 issues, 4 volumes.pp.16-21]
7. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович.Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари. Academic research in educational contents. 2021.Volume 2, Issue 2, 986-994.  
[Jakhongirov Burkhon Boronovich. Cooperation of Uzbekistan in the field of science with foreign countries. Academic research of educational content. 2021. Volume 2, Issue 2, pp.986-994.]
8. Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография. 1-китоб. - Т.:Маънавият, 2018. –Б.338.
9. Erkaev A. Spirituality. Monograph. Book 1. - Т.: Spirituality, 2018.p.338.